Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН + 16 ноябрь 1973 йил, жума ◆ № 269 (15.743). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

«Оқ олтин»имизнинг сўнгги граммигача тезда йиғиб-териб олиб, келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратайлик

Республикамизнинг барча хўжаликларида шудгорлашни сифатли ўтказайлик, ҳамма ерда кузги-қишки тадбирларни кучайтириб юборайлик

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ, НАВБАТ — МАЖБУРИЯТГА

КАТТАҚУРҒОН. Давлатга 50.250 тонна пахта сотилди. Ҳосилнинг 50 процента машиналар билан териб олинди. Ҳар бир машинада ўртача 110 тоннадан пахта терилди. Тельман номли, Ленин номли, «Чимбойобод», Карл Маркс номли ва «Ленин йўли» колхозлари йиғим-теримда алоҳида намуна кўрсатдилар.

Район пахтакорлари ялпи ҳосил хирмонини 52250 тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

ҲАЗОРАСП. Она-Ватанга 35.200 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. 20 минг тонна дурдона машиналар бункеридан тўкилди. Район пахтакорларининг ғалабасига Фрунзе номли, «Октябрь», Жданов номли, «Ленинград», Карл Маркс номли колхозлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ҳазорасписликлар «оқ олтин» хирмонини 38 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

ШОВОТ. Давлат қабул пунктларига 41.300 тонна пахта етказиб берилди. Машиналарда 24.400 тонна пахта териб олинди. Киров номли, Чкалов номли, «Партия XIX съезди», «Партия XXII съезди», «Правда» ва «Ленинизм» колхозларининг пахтаётлари ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 35-37 центнерга етказдилар.

Район пахтакорлари ялпи ҳосил хирмонини 45.500 тоннага етказишга сўз бердилар.

ҚУВАСОЙ ШАҲРИ. Шаҳар меҳнаткашлари давлатга 9.315 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Машиналарда 3800 тонна пахта териб олинди. Она-Ватанга пландан ташқари яна 1200 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбурияти олинди.

ХИВА. Қабул пунктларига 35.800 тонна «оқ олтин» топширилди. Ялпи ҳосилнинг 60 процента машиналар бункеридан тўкилди. Фрунзе номли, Ленин номли, Огаҳий номли, Энгельс номли ва «Хива» колхозларининг деҳқонлари ҳар гектар ердан 35-36 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардилар. Давлатга пахта сотиш давом этмоқда.

БЕРУНИЙ. Она-Ватанга 40 минг тонна пахта етказиб берилди. Машиналарда 18 минг тонна дурдона терилди. 12.400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил олинди.

Район пахтакорлари 45 минг тоннали «оқ олтин» хирмони учун курашни давом эттиришга қарор қилдилар.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА БИЛИМ — ОММАГА

Ленинчи Коммунистик партиянинг, бунёдкор совет халқининг янги жамиятни барпо этиш йўлидаги жўшқин фаолияти замонамизнинг энг илғор таълимоти бўлган марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам пойдеворига асосланган. Бу таълимотни доимо ривожлантириб бориш, кенг пропаганда қилиш ва совет кишиларида илмий дунёқарашни шакллантириш партиямизнинг идеология соҳасида олиб бораётган ишларининг асосий мезонидир. Зотан, коммунистик идеаллар учун кураш вазифаларини ҳал қилиш, шу асосда совет кишиларининг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини авж олдириш — КПССнинг ленинча традицияси бўлиб келмоқда, тараққиётимизнинг бундан кейинги боришида ҳам шундай бўлаверади.

Неча республикамизнинг партия ва комсомол ташкилотларида, меҳнат коллективларида сиёсий ва иқтисодий ўқув системасида янги ўқув йили бошланди.

Сиёсий ўқиш — бу маълум бўлган ҳақиқатни ёдлаш ва такрорлайвериш эмас, балки билимларни қунт билан, изчил равишда астойдил эгаллаш, уларни кундалик ҳаётимизнинг амалий практикаси билан, тўпланаётган тажрибалар, галдаги вазифалар билан уйғунлаштиришдир.

Партия маорифи системасидаги янги ўқув йилининг характерли томони шундаки, машғулотларда совет кишиларининг тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилидаги меҳнат кўтарилишлари, партия XXIV съезди, КПСС Марказий Комитети декабрь (1972 йил) ва апрель (1973 йил) Пленумлари қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР 50 йиллиги тўғрисидаги доклади, шу йил Олмаота ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган тантанали йиғилишларда партия ва совет халқининг яқдил иродасини яққол ифода этган нутқларидан иборат программ ҳужжатлар, Тинчлик программасини қарор топтириш йўлидаги зафарли қадамларимиз атрофлича ўрганилади, жўшқин ҳаётимиз нафаси билан тўлдириб талқин этилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг шонли 50 йиллигига тайёргарлик, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқларининг азоб-уқубатли капитализм боғсичини четлаб, феодализмдан социализмга томон дадил ва алп қадамлари, бу буюк шижоатнинг қудратли жозиба кучи, ленинча миллий сиёсат тантанаси машғулотларда муносиб ўрин олади.

Совет кишиларининг илҳомбахш, яхши ташкил этилган, Ватанимиз бойлиги ва қудратини кун сайин ошираётган меҳнати жаҳон миқёсида ҳам, мамлакатимиз ичида ҳам эришаётган улкан ғалабаларимизга асос бўлмоқда. Шунинг учун ҳам партия коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий ўқуви мазмуни, форма ва методларини такомиллаштирмоқда, меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимига алоҳида эътибор бермоқда.

Утган ўқув йили оммага иқтисодий билим бериш борасида муҳим йил бўлди. Эндиликда асосий эътибор бу ўқувнинг сифатини кўтаришга, машғулотларнинг мазмуни ва самарадорлигини оширишга қаратилмоғи лозим. Партия, совет, комсомол ташкилотлари, касаба союзлари шунга эришишлари керакки, сиёсий ва иқтисодий ўқиш тингловчиларнинг ташаббусини, меҳнат интизомини оширсин, резервларни қидириб топиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишга ёрдам берсин.

Назарий ўқув ҳаёт талаблари билан, совет кишиларида юксак ахлоқий фазилатларни қарор топдириш билан маҳкам боғлангандир. Бинобарин, ҳар бир тингловчида коммунистик дунёқарашни, оғаши ватанпарварлик, халқлар дўстлиги ва интернационализм туйғуларини тарбиялаш айниқса муҳимдир.

Шуни айтиш керакки, республикамизда партия, комсомол сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим сависи тобора ошиб бормоқда. Утган ўқув йилида Тошкент самолётсозлик заводи, «Ташсельмаш», «Тошкент кабель», Чирчиқ трансформатор заводлари, Фарғона азот ўғитлари заводи, «Мирзачўлсовхозтрой» трести, «Қаршистрой» бошқармаси, «Ингичка» кони, Хоразм область, Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз, Урганч тикувчилик фабрикасида сиёсий ва иқтисодий ўқув айниқса яхши ташкил этилди.

Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё область партия ташкилотлари ҳузуридаги сиёсий маориф ўлари ва кабинетлари ҳам айниқса намунали ишладилар. Сиёсий ва иқтисодий ўқувни яхши йўлга қўйишда тошкентлик Ғ. Султонов, О. Одилов, бекободлик Муродулла Қубаев, самарқандлик Б. Приев, бухоролик Ғ.Муртазин, наманганлик И. Гасюк ва бошқа кўпгина ўртоқлар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз ўртоқларига юксак масъулият билан қараб, пухта билим ва тажрибаларини тўла ишга солмоқдалар, тингловчиларнинг чуқур ва атрофлича билим олишларига эришмоқдалар.

Шу билан бирга ўз устида ишламайдиган, партия пропагандаси методикасини кўнгилдагидек эгаллай олмаган пропагандистлар ҳам бор. Шундай экан, партия комитетлари, сиёсий маориф ўлари ва кабинетлари ҳар бир пропагандист ўз ишининг моҳир устаси, тингловчиларнинг ҳақиқий мураббийси бўлишлари учун уларга доимий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Сиёсий ва иқтисодий ўқув йили уюшқоқлик билан бошланди. Ўқувни амалий ишлар билан уйғунлаштириш КПСС XXIV съезди томонидан белгилаб берилган вазифаларни муваффақиятли бажариш, тўққизинчи беш йиллик чўққиларини барвақт эгаллашга ёрдам беради.

Марксизм-ленинизмни ўрганиш — ғалаба қилишни ўрганишдир!

Бўка районидаги «Кўкорол» совхозида келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Шу кунларда хўжалик далаларида 18 трактор экиндан бўшаган майдонларни сифатли шудгор қилмоқда. Механизаторлар учун яхши шароит яратиб берилди. Суратларда: (чапдан) совхознинг илғор тракторчиси Исфанди Искандаров, (ўнгда) - ерларни шудгорлаш пайти.

А. Тўраев фотоси.

СОВЕТ — ЮГОСЛАВИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

КИЕВ, 14 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан ЮСФР Президенти, Югославия Коммунистлар союзи Раиси Иосип Броз Тито ўртасида музокаралар бугун тамом бўлди.

ВИЗИТ ТАМОМ БУЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, Совет Иттифоқида дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турган ЮСФР Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси Иосип Броз Тито рафиқаси Йованка Броз билан бирга 15 ноябрь куни Киевдан ватанига жўнаб кетди.

ЮСФР, СССР ва Украина ССР давлат байроқлари билан безатилган Киевнинг Борисполь аэропортида ўртоқ Иосип Броз Титони КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари — В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортди. ЮСФР ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

Иосип Броз Тито, Л. И. Брежнев, В. В. Шчербицкий ўртоқлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Аэродромга тўпланган шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари Л. И. Брежнев ва Иосип Броз Тито ўртоқларни самимий табрикладилар.

Автомашиналар кортежи ўтиб борган Киев кўчалари ва майдонлари ЮСФР, СССР ва Украина ССР давлат байроқлари билан безатилган эди. Юз минглаб киевликлар Л. И. Брежнев ва Иосип Броз Тито ўртоқларни чин кўнгилдан табрикладилар. (ТАСС).

СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси Иосип Броз Тито КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан 1973 йил 12 ноябрдан 15 ноябргача дўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлди. Визит вақтида Киевда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито ўртасида суҳбатлар бўлиб ўтди. Дўстона вазиятда, ҳамжиҳатлик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси В. И. Степаков.

Югославия томонидан — Югославия Коммунистлар союзи Президиуми Ижроия бюросининг секретари С. Доланц, Иттифоқ ижроия вечаси раисининг ўринбосари, ЮСФР ташқи ишлар иттифоқ секретари М. Минич, Сербия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг Раиси Т. Влашкалич, ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Пешич, ЮСФР Президенти кабинетининг бошлиғи А. Шокорац, Югославия Коммунистлар союзи Президиуми халқаро муносабатлар ва алоқалар бўлимининг мудири В. Обрадович, ЮСФР Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича маслаҳатчиси М. Меловски, ЮСФР ташқи ишлар иттифоқ секретариати бошқармасининг бошлиғи Т.-Липковски қатнашдилар.

Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито социалистик ва коммунистик қурилиш қандай борааётганлиги тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, КПСС билан ЮКС ўртасидаги, СССР билан ЮСФР ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида ҳамда Совет — Югославия муносабатларини мустаҳкамлаш истиқболлари ҳақида фикрлашиб олдилар, шунингдек актуал халқаро проблемаларни ҳамда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати масалаларини муҳокама қилдилар.

Сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда Совет — Югославия ҳамкорлиги муваффақиятли равишда ривожланиб бораётганлиги хусусида мамнуният изҳор этилди ҳамда илғари қабул қилинган қўшма ҳужжатларга ёзиб қўйилган қоидаларни амалга ошириш соҳасида иккала томон катта куч-ғайрат сарфлаганлиги қайд қилинди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан ЮКС Раиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Югославия Коммунистлар союзи ўртасидаги ҳамкорлик соҳасида эришилган натижаларни юксак баҳоладилар. Томонларнинг фикрича, Совет — Югославия муносабатларида ҳозиргача эришилган даража ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга таъминлайди.

Томонлар партия ва давлат алоқаларини такомиллаштириш ҳамда Совет — Югославия ҳамкорлигини бойитиш социализм ва коммунизм қурилиши манфаатларига мос бўлиб тушишини таъкидладилар ҳамда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда, маданият, маориф, фан, ахборот фаолияти, туризм ва бошқа соҳаларда узоқ муддатли ҳамкорликни кенгайтириш лозимлигини айтдилар. Томонларнинг фикрича, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятида ЮСФР билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ўртасидаги мавжуд шартнома асосида иштирок этиши Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ташқи сиёсат масалалари ва бошқа актуал масалалар юзасидан турли лавозимдаги кишиларнинг тез-тез учраши, алоқа қилиб туришлари, фикрлашишлари ва бир-бирларига ахборот беришлари борасида тарқиб топган практика катта аҳамиятга эга эканлиги, бу нарса иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида, шунингдек тинчлик, ҳавфсизлик ва социал тараққиёт ишини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама халқаро ҳамкорликни ривожлантириш манфаатлари йўлида КПСС билан ЮКС ўртасидаги, СССР билан ЮСФР ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, бир-бирлари билан яхшироқ танишишга ёрдам бераётганлиги қайд этилди.

Халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито кескинлик юмшатилганлигини мустаҳкамлаб қолиш ва чуқурлаштиришга, реакцион ва агрессив кучларнинг дунёдаги сиёсий иқлимни соғломлаштиришга халақит бериш йўлидаги уринишларига актив зарба беришга боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор бердилар.

СССР билан ЮСФРнинг фикри шуки, Яқин Шарқдаги уруш учогини ўчириш, Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш, хавфсизлик конгрессининг 1967 йил 22 ноябрдаги 242-резолюциясининг, ҳамма қисмларини ҳеч кечиктирмай бажариш асосида араб халқларининг қонуний ҳуқуқларини тўла-тўкис қайта тиклаш — энг муҳим вазифаларнинг биридир. Томонлар Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессив ҳаракатларини, Хавфсизлик Кенгашининг ўт очишни ва уруш ҳаракатларини тўхатиш ҳамда қўшилмаслиги 1973 йил 22 октябрда эгаллаб турган позицияларига қайтариш тўғрисидаги резолюцияларини Исроил қўпол равишда поймол этаётганлигини кескин қоралаб, Исроилнинг авантюристик ҳаракатлари хатарли оқибатларга олиб бориши мумкинлигини уқтириб ўтдилар. Исроил қўшинлари оккупация қилиб олинган ҳамма араб территорияларидан олиб чиқиб кетилиши лозим; араб халқларининг ҳуқуқлари тўла-тўкис таъминланиши керак; фаластинлик араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқлари ҳам амалга оширилиши зарур. СССР билан ЮСФРнинг фикрича, фақат мана шундай асосдагина, Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларнинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш негизидагина бу можарони одилона ва пухта сиёсий бартараф этиш мумкин. Совет Иттифоқи билан Югославия Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ва шу райондаги ҳамма давлатлар ҳамда халқларнинг гарантияланган ҳавфсизлигини таъминлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам кўч-ғайрат сарфлашга тайёр эканликларини изҳор этадилар.

(Давоми иккинчи бетда).

А. Н. КОСИГИН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

МИНСК, 14 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Белоруссия пойтахтидан Москвага жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, БССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ф. А. Сурганов, БССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев ва республиканинг бошқа раҳбарлари ўртоқ А. Н. Косигинни вокзалда кузатиб қолдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Белоруссия пойтахтидан Москвага қайтиб келди.

ГВИНЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Гвинея Демократик партияси Марказий Комитети миллий сиёсий бюросининг аъзоси, Бош министр Лансан Беавоги бошчилигидаги Гвинея Республикаси партия-ҳукумат делегацияси расмий дўстлик визити билан 15 ноябрда Москвага келди.

Гвинея Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди. Гвинея Республикаси ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

Беавоги билан А. Н. Косигин совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар.

Гвинея Республикаси ҳукуматининг бошлиғини пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари самимий табрикладилар.

Аэродромдан ҳурматли меҳмон ўзига ажратилган қарорғоҳга йўл олди. Мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигидаги машиналар кортежи ўтган кўчалар Гвинея Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан, «Хуш келибсиз, гвинеялик азиз меҳмонлар!», «Яшасин Совет — Гвинея дўстлиги!» деган табрик транспарантлари билан безатилган эди. (ТАСС).

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚУЙИЛДИ

Гвинея Демократик партияси Марказий Комитети Миллий сиёсий бюросининг аъзоси, бош министр Лансан Беавоги бошчилигидаги Гвинея Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 15 ноябрда В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. (ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 15 ноябрда Киевдан Москвага жўнаб кетди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси Иосип Броз Титонинг Совет Иттифоқида бўлиши муносабати билан Украина пойтахтида меҳмон бўлган эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси В. И. Степаков ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга Москвага жўнаб кетдилар.

Вокзалда ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. С. Грушецкий, республика Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, Украина Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлар, Украина ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, республика министрликлари ва идораларининг, Киев шаҳри ва областидаги партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари кузатиб қолдилар.

Шаҳар кўчаларида ва майдонларида Леонид Ильич Брежневни минг-минглаб киевликлар самимий кузатиб қолдилар. (ТАСС).

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КИЕВ, 15 ноябрь. (ТАСС). Ўртоқ Иосип Броз Тито ватанига жўнаб кетиши муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ва Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси ўртоқ Иосип Броз Тито бугун Марием саройида учрашдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан ўртоқ Иосип Броз Тито ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

«МОЛНИЯ-1» ПАРВОЗ ҚИЛМОҚДА

ТАСС АХБОРОТИ

1973 йил 14 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги «Молния-1» алоқа йўлдоши учирилди.

«Молния-1» алоқа йўлдоши йироқ масофада телефон-телеграф радио алоқаси системасидан фойдаланишни таъминлаши, шунингдек СССР Марказий телевидение программаларини Узоқ Шимол, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё районларида жойлашган «Орбита» тармоқлари пунктларига бериб туриши керак.

Йўлдош шимолий ярим шарда апогейи 39.140 километр ва жанубий ярим шарда перигейи 480 километр бўлган юксак эллиптик орбитага чиқарилди. Йўлдошнинг айланиш даври 11 соат 42 минут, орбита бўйлаб оғиши 65 градус.

Йўлдош бортида телевидение программаларини бериш ва узоқ масофага кўп каналлар орқали радио алоқасини амалга оширувчи аппаратлардан ташқари команда-ўлчов комплекси аппаратлари шунингдек, ориентация, орбитага тўғрилаб қўйиш системаси ва йўлдошни энергия билан таъминлаб турувчи система ўрнатилган.

Олинган маълумотларга қараганда, йўлдош бортига ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

«Молния-1» йўлдоши орқали белгиланган программага мувофиқ алоқа сеансларни ўтказиладилар.

СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

(Боши биринчи бетда).

Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито қаҳрамон Вьетнам халқи галабасининг тарихий аҳамиятини таъкидладилар, бу мамлакат халқ хўжалигини тиклашда ва социализм қурилишида Вьетнам Демократик Республикасига бундан буён ҳам ёрдам беришга, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматини самарали равишда қўллаб-қувватлашга СССР билан ЮСФР аҳд қилганликларини тасдиқладилар. Томонлар Сайгон режими Париж битимини қўпол равишда бузаётганлигини қайд қилиб, битимнинг ҳамма қатнашчилари унга оғишмай риоя этишлари лозимлигини, Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг суверенитети ва қонуний ҳуқуқлари қатъиян ҳурмат этилиши, бутун Ҳинди-Хитойда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши лозимлигини айтдилар.

Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито Чили реакцияси ва унинг империалистик ҳомийлари ҳаракатларини, бу ҳаракатлар қонуний халқ бирлиги ҳукуматини ағдаришга, ҳарбий диктатура ўрнатилишига ҳамда мамлакатнинг ватанпарвар ва тараққийпарвар кучларига қарши оммавий террор бошланишига олиб келганлигини кескин қораладилар. Улар Чили халқининг мустақиллик ва социал тараққиёт йўлидаги мардона кураши билан бирдам эканликларини билдирдилар.

Томонлар Европадаги вазият тўғрисида фикрлашиб олдилар. Улар хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Умумевропа кенгашини муваффақиятли равишда тугаллашга конструктив ҳисса қўшишга тайёр эканликларини тасдиқладилар. Совет Иттифоқи билан Югославиянинг фикри шуки, Умумевропа кенгашининг якунловчи босқичини олий даражада ўтказиш кенгашда қатнашувчи барча мамлакатларнинг манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди. Томонлар Европадаги қуролярогларни ва Қуролли Кучларни қисқартириш соҳасидаги амалий тадбирлар амалга оширилишини талаб қиладилар ва ўзлари сиёсий кескинликни юмшатиш билан бирга ҳарбий кескинликни ҳам юмшатишга катта аҳамият бераётганликларини таъкидлайдилар.

Иккала давлат кескинликнинг юмшатилиши дунёнинг ҳамма районларига ҳам ёйилишига изчиллик билан эришишга аҳд қилганлиги таъкидлаб ўтилди. Совет Иттифоқи билан Югославия шунга асосланиб иш тутадиларки, халқаро вазиятни тўбдан яхшилаш учун қуролланиш пойгасини тўхатиш, ялпи ва тўла қуролсизланишга, ҳам ядро қуролини, ҳам оддий турдаги қурол-яроғларни тарк этишга қаттиқ ва самарали контроль остида эришиш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлур эди. Улар қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини чақиришга тезроқ тайёргарлик кўриш тарафдоридирлар. Блокларга қўшилмаган мамлакатлар Жазоирдаги IV конференциясининг ҳарбий бюджетларни изчиллик билан қисқартириш ва шу тариқа тежаб олинган маблағларнинг бир қисмидан ривожланаётган мамлакатларни иқтисодий юксалтириш учун фойдаланиш тўғрисидаги талабини иккала мамлакат қўллаб-қувватлайди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатларнинг ҳарбий бюджетларини 10 процент қисқартириш тўғрисида Совет Иттифоқи БМТга киритган таклифда баён этилган ғояни ЮСФР қўллаб-қувватлайди.

Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито шуни қайд қилдиларки, халқаро турмушдаги яхши ўзгаришлар территорияларнинг ҳажми ва аҳолисининг сонидан қатъий назар, ҳамма мамлакатлар учун ҳозирги замоннинг асосий проблемаларини ҳал этишда тенг ҳуқуқлар билан қатнашиш учун имконият яратиб беради.

Совет Иттифоқи билан Югославия блокларга қўшилмаган давлатларнинг Жазоирдаги IV конференцияси якунлари империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши кураш учун катта аҳамиятга эга эканлигини, араб халқлари ва мамлакатларининг Исроил агрессиясига қарши озодлик курашини шу давлатлар якдиллик билан қўллаб-қувватлаганлигида бу нарса яққол намоён бўлганлигини таъкидлайдилар.

Кескинликни янада юмшатиш ҳамда тинч-тотув яшаш принциплари асосида мустаҳкам ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида социалистик мамлакатлар, блокларга қўшилмаган ва бошқа мамлакатлар, барча тинчликсевар, демократик ва тараққийпарвар кучлар сарфлаётган куч-ғайратларни томонлар ижобий баҳолайдилар.

СССР билан ЮСФР тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқаро проблемаларни ҳал этиш ишида муҳим омил бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта аҳамиятини қайд қиладилар.

Томонлар шуни таъкидладиларки, ҳозирги вазиятда давлат йўли билан қилинаётган актив ҳаракатлардан ташқари жаҳон жамоатчилигининг жуда кенг доираларини бирлаштиришни таъминлаб, халқаро муносабатлардаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, кескинлик юмшатилишини муқаррар тус олдириш муҳимдир. Шу муносабат билан тинчликсевар кучларнинг Москвада ўтказилган Жаҳон конгресси катта аҳамиятга эга эканлиги, унинг ғоялари ва даъватлари янги-янги кенг қатламларнинг тинчлик курашчилари ҳаракатига қўшилишига кўмаклашиши таъкидлаб ўтилди.

ЮСФР Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси И. Броз Титонинг Совет Иттифоқига қилган дўстлик визити, икки ўртада бўлиб ўтган батафсил ва самарали фикрлашувлар КПСС билан ЮКС ўртасидаги, СССР билан ЮСФР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни Совет Иттифоқи ва Югославия халқлари манфаатлари йўлида, социализм ва тинчлик манфаатлари йўлида янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб қатъий ишонч билдирилди.

ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси И. Броз Тито КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневни дўстлик визити билан Югославияга боришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорлик билан қабул этилди.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика Ҳурмат тахтасига ёзилдилар:

Каттақўрғон райони (район партия комитетининг секретари **Ражабов**, район ижроия комитетининг раиси **Шукуров**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Зоиров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Тен**, район комсомол комитетининг секретари **Зубайдуллаев** ўртоқлар).

Ҳазорасп райони (район партия комитетининг секретари **Болтаев**, район ижроия комитетининг раиси **Сотлиқов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Маҳмудов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Сандов**, район комсомол комитетининг секретари **Болтаева** ўртоқлар).

Шовот райони (район партия комитетининг секретари **Бобожонов**, район ижроия комитетининг раиси **Тоҳиров**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Отамуродов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Ҳайитб-ев**, район комсомол комитетининг секретари **Дўшамов** ўртоқлар).

Қувасой шаҳри (шаҳар партия комитетининг секретари **Раҳматов**, шаҳар ижроия комитетининг раиси **Мирзажонов**, шаҳар ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Абдурахмонов**, шаҳар комсомол комитетининг секретари **Уликов** ўртоқлар)

Хива райони (район партия комитетининг секретари **Раҳмонов**, район ижроия комитетининг раиси **Мадримов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Раззоқов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Хван**, район комсомол комитетининг секретари **Отажонов** ўртоқлар).

Беруний райони (район партия комитетининг секретари **Ражабов**, район ижроия комитетининг раиси **Матнаримов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Ортиқбоев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Хафазов**, район комсомол комитетининг секретари **Хўжамуродов** ўртоқлар).

ИНДУСТРИАЛ-УЙСОЗЛИК БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

14 ноябрь куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати доимий комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда беш йиллик планнинг уй-жой қурилишига доир топшириқлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисда тайёргарлик группасининг раҳбари — депутат М. В. Посохин, СССР Госпланнининг аъзоси, уй-жой, коммунал хўжалиги ва шаҳарларни ривожлантириш бўлимининг бошлиғи Н. И. Бобровников ва СССР Госстройи раисининг биринчи ўринбосари, Госгражданстрой раиси Г. Н. Фомин доклад қилдилар.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати совет халқи турмушининг моддий ва маданий даражасини кўтаришнинг катта программасини амалга ошириб, уй-жой қурилишини ривожлантиришга ва аҳолини шинам турар жой билан таъминлашга кун сайин эътибор бермоқдалар. Саккизинчи беш йилликнинг ўзида жами саҳни 518 миллион квадрат метр бўлган 11 миллиондан кўпроқ квартира қурилиб, 55 миллион кишининг уй-жой шароитлари яхшиланди.

Кейинги йилларда уй-жой қурилишининг сифати яхшиланди, шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларни планлаштириш ва қуриш савияси оширилди. Архитекторлар билан қурувчилар янги шаҳарлар ва уй-жой массивларини қуришнинг бир қанча диққатга сазовор намуналарини яратдилар. РСФСРдаги Тольятти, Ўзбекистондаги Навоий, Қозоғистондаги Шевченко ва бошқа бир қанча шаҳарлар шулар жумласидандир. Бу шаҳарлар совет социалистик шаҳарсозлигида эришилган ютуқлардан, меъморларнинг ижодий етуклигидан ва бинокорларнинг меҳнатдаги муваффақиятларидан далолат беради.

1971—1975 йилларда уй-жой қурилишининг катта ҳажми белгилаб қўйилган. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига жами саҳни 580 миллион квадрат метр бўлган уй-жой биноларини қуриш мўлжалланган. Бу — аввалги беш йилликда қурилган уй-жой биноларидан 12 процент кўп.

Шу беш йилликда қурилиш-монтаж ишларининг, айниқса пардоз ишларининг сифати анча оширилиши, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган шаҳарлар ҳамда аҳоли яшайдиган бошқа жойларнинг архитектуравий қиёфаси, инженерлик иншоотлари ва ободончилиги яхшиланиши лозим. Табиий-иқлим, миллий турмуш хусусиятларини ва мамлакат турли районларининг ўзига хос бошқа хусусиятларини тўла-тўкис ҳисобга олиб тузилган янги типовой лойиҳаларга биноан уй-жой бинолари қуришга аста-секин ўтиш вазифаси қўйилган. Улардаги квартиралар анча қулай жойлаштирилган, яхшилаб безатилган ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида жами саҳни 215 миллион квадрат метрдан ошадиган 4,5 миллионта квартира фойдаланиш учун топширилди, шу тарика 23 миллионга яқин кишининг уй-жой шароитларини яхшилаш мумкин бўлди. Бироқ, бир қанча министрликлар, идоралар ва иттифоқдош республикалар уй-жой биноларини ишга тушириш юзасидан беш йиллик планда белгиланган топшириқларни бажармаётирлар. Кўпгина қурилиш ташкилотлари индустриал иш методларини суст жорий этмоқдалар, қурилиш технологиясини бузишга ва иш вақтининг анча қисмини нобуд қилишга йўл қўймоқдалар, сермеҳнат ишларни механизациялаш даражасини оширишни пайсалга солмоқдалар.

Мажлисда уй-жой қурилишини планлаштириш, ташкил этишни янада такомиллаштиришга ва қурилиш сифатини яхшилашга кўп эътибор берилди.

Комиссиялар муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилдилар. Жумладан, СССР Госпланига, СССР Госстройига СССР министрликларни ва идоралари билан, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат планида кўзда тутилган уй-жой биноларининг жами саҳнини ишга тушириш топшириқларини бажариш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилди. Индустриал уйсозлик базасини янада ривожлантириш тавсия қилинади.

Мажлисда СССР Олий Совети депутатлари Д. М. Гридасов, В. Г. Калинин, М. Г. Оганжанян, Г. П. Павлов, Г. А. Селецкий, шунингдек министрликлар ва идораларнинг вакиллари сўзга чиқдилар.

Комиссиялар ишида, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Е. С. Насриддинова ва СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе иштирок этдилар. (ТАСС).

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

14 ноябрда Москвада ВЛКСМ Марказий Комитетининг IX пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов, КПСС Марказий Комитети, министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари қатнашдилар.

Пленум кун тартибида ВЛКСМнинг навбатдаги XVII съездини чақириш тўғрисида, ишчилар синфи ҳамда колхозчи деҳқонларнинг муносиб ўринбосарларини тарбиялаб етиштиришда комсомолнинг ролини ошириш тўғрисида, комсомолга В. И. Ленин номи берилган кунининг 50 йиллигига тайёргарлик юзасидан белгиланган тадбирлар тўғрисидаги масалалар, ВЛКСМ Марказий Комитети VIII пленумидан кейин ўтган давр ичида ВЛКСМ Марказий Комитети бюроси ҳамда секретариатининг иши тўғрисидаги ахборот бор.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников айтдики, ВЛКСМ XVI съездида сайланган Ленин комсомоли марказий органларининг ваколат муддати ВЛКСМ Уставига мувофиқ 1974 йил май ойида тугайди.

Пленум Бутуниттифоқ ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг навбатдаги XVII съездини 1974 йил апрель ойида чақиришга қарор қилди.

Ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг муносиб ўринбосарларини тарбиялашда комсомолнинг ролини ошириш тўғрисида пленумда ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников доклад қилди.

Пленум комсомолга В. И. Ленин номи берилган кунининг эллик йиллигига тайёргарлик тадбирлари тўғрисида ВЛКСМ Марказий Комитети секретари Л. И. Матвеевнинг ахборотини тинглади ва муҳокама қилди.

Пленумда бир группа комсомол ходимларига, меҳнат қаҳрамонлари ва ветеранларига ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Шавкатли меҳнат учун», «Ёшлар маслаҳатчиси» нишонлари, «Беш йиллликнинг ёш гвардиячиси» олтин нишони топширилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг IX пленуми шу билан ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг борыши тўғрисида

15 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун—областлар; иккинчи устун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — планнинг бажарилиш процанти

Тошкент	124,1	59,0
Хоразм	4,4	55,2
Самарқанд	82,1	34,6
Сирдарё	100,2	34,5
Фарғона	24,9	25,1
Наманган	23,0	17,1
Сурхондарё	20,4	14,5
Андижон	24,8	14,2
Бухоро	21,9	12,0
ҚҚАССР	7,9	11,7
Қашқадарё	9,2	6,5
Республика бўйича:	442,9	26,2

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ

«Ёш ленинчи» газетасининг кечаги сони комсомол сиёсий маорифи системасидаги янги ўқув йилига бағишланди. «Ленинча ўқиймиз, ишлаймиз ва курашамиз!» деган умумий сарлавҳа остида ранг-баранг мақола ва материаллар босиб чиқарди.

Маълумки, ВЛКСМ Марказий Комитети бюроси яқинда «1973—1974 ўқув йилида комсомол ва ёшларнинг умумий таълим ҳамда сиёсий ўқувини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Бу қарор республика комсомол ташкилотлари учун муҳим амалий дастур бўлди. Мазкур қарорга кўра, барча тўгарак ва семинарларда, ўқув муассасалари комсомол ташкилотларида шу йил ноябрь-декабрь ойларида «Ленинча ўқиймиз, ишлаймиз ва курашамиз!» деган темада ленинча ўқувлар ўтказиш тавсия этилган. Бу ўқувлар комсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг 50 йиллигига бағишланади.

Яқинда Жалолқудуқ районидаги «Ойим» совхозида ана шундай ўқув бўлиб ўтди. Газетадаги материаллар айнан шунга бағишланди. Газета саҳифаларида партия ва комсомол комитетларининг секретарлари, комсомол ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ишлаб чиқаришнинг илғор вакиллари қизиқарли материаллар билан чиққанлар.

Газетанинг мазкур сони чиройли безатилиб, ундаги материаллар ўқимишлидир.

Улкан хирмон учун

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1973 йил 15 ноябрга бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада: бир кунда	Шу жумладан машинада: мавсум бошидан
Сирдарё	0,10	122,52	0,04	136,22
Андижон	0,04	115,10	0,02	136,46
Тошкент	0,04	113,25	0,02	116,24
Қашқадарё	0,09	112,89	0,12	104,56
Сурхондарё	0,11	112,58	0,06	108,45
Наманган	0,20	110,61	0,04	149,84
Самарқанд	0,13	109,02	0,03	134,56
Фарғона	0,24	107,67	0,05	121,36
ҚҚАССР	0,43	106,81	0,25	108,01
Хоразм	0,19	105,26	0,16	102,17
Бухоро	0,19	88,02	0,43	98,92
Республика бўйича:	0,15	109,42	0,09	121,43
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	0,22	101,55		
Қашқадарё	0,16	101,25		
Бухоро	0,65	44,66		
Республика бўйича:	0,26	97,09		



ФРАНЦИЯ. Суратда: Париж опера театрининг биноси. Бинони тиклаган меъмор номи билан аталувчи бу Гарнье саройи 1862 —1875 йилларда қурилган.

АФП—ТАСС фотоси.

ИСРОИЛ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 ноябрь. (ТАСС). Исроил қўшинлари Яқин Шарқда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги шартномани бузишни давом эттириб, бу билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясини назарписанд қилмаётганликларини кўрсатмоқдалар. БМТнинг Яқин Шарқдаги фавқулодда кучларидан ва кузатувчиларидан олинган янги маълумотлар шундан далолат бермоқда.

Шу маълумотларга қараганда, Исроил қўшинлари 12 ноябрда Сувайшдан Ғарби-шимолда БМТ кучларининг финлар турган районида яна бир неча марта танклардан ва пулеметлардан ўт очдилар.

Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг тўртта самолёти шу куни Исроил—Ливан секторида Ливаннинг ҳаво чегараларини бузди.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ВИЗИТИГА БАҒИШЛАНАДИ

ДЕҲЛИ, 14 ноябрь. (ТАСС). Маданий алоқаларни ривожлантирувчи Ҳиндистон — Совет жамияти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган расмий дўстона визитига бағишлаб махсус тўплам нашр этди. Тўпламда таниқли ҳинд сиёсий ва жамоат арбоблари, фан ва маданият намояндаларининг ҳинд—совет муносабатларининг ривожи тўғрисида, Ҳиндистон миллий экономикасини мустаҳкамлашда Совет Иттифоқининг ёрдами ҳақида, халқаро майдонда иккала мамлакатнинг ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи мақолалари бор.

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди тўплам нашр этилганлиги муносабати билан йўллаган табрикномасида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига хизмат қилади ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига сезиларли ҳисса қўшади, деб таъкидланади. Биз, деб ёзади Индира Ганди, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Ҳиндистонга визит билан келишидан хурсандмиз. Бу визит Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Совет давлатининг атоқли раҳбарини Ҳиндистон самимий кутиб олади.

РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ТУГАДИ

УЛАН-БАТОР, 14 ноябрь. (ТАСС). Монголия Халқ Революцион партияси бошланғич ташкилотлари секретарларининг уч кунлик республика кенгаши тамом бўлди. Кенгаш хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, партия ички ишини яхшилаш соҳасида бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Кенгашда МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал, мамлакат партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари иштирок этдилар.

ХИТОЙ—АМЕРИКА АХБОРОТИ

ПЕКИН, 15 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда АҚШ давлат секретари Г. Киссинжернинг ХХРга визити тўғрисида ахборот эълон қилинди.

Ахборотда Г. Киссинжернинг Мао Цзэ-Дун, ХХР Давлат кенгаши бош министри Чжоу Энь-Лай ва ташқи ишлар министри Цзиён-Фэй билан нималар тўғрисида музокаралар олиб борганлиги ва шу музокаларнинг мазмуни айтиб ўтилмайди.

Бу музокаралар рўй-рост ва жиддий деб баҳо берилади.

Ахборотда АҚШ Президенти Р. Никсоннинг ХХРга қилган визитидан кейин Пекинда ҳамда Вашингтонда тузилган «алоқа группалари» ўз бурчини бажараётганлигидан ҳар икки томон мамнун эканлиги уқтириб ўтилади.

Ахборотнинг охирида томонлар «Хитой билан АҚШ ўртасида «Шанхай ахборотн» асосида муносабатларни нормаллаштиришга кўмаклашиш учун куч-ғайрат сарфлашни давом эттираверадилар», дейилади.

Автомобиль ҳалокати қурбонлари

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 14 ноябрь. (ТАСС). Бразилияда шу йилнинг январидан сентябрь ойигача 200 мингга яқин автомобиль ҳалокати рўй берди. Бу ҳалокатларда 8 минг 500 дан ортиқ киши ўлди ва 100 мингга яқин киши ярадор бўлди. Бразилия автомобиль ҳалокатлари сони жиҳатидан Франция ва ГФРни бирга қўшиб олгандагидан ўн баравар ўзиб кетади.

Г. КИССИНЖЕРНИНГ ЯПОНИЯГА ВИЗИТИ

ТОКИО, 14 ноябрь. (ТАСС). АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер икки кунлик визит билан Японияга келди. У бош министр К. Танака, ташқи ишлар министри М. Охира билан, молия, ташқи савдо ва саноат министрлари билан музокаралар олиб боради.

Бир вақтлар Япония матбуоти аллақачонлар мўлжаллаб қўйилган шу музокаларда Кўшма Штатлар таклиф этган янги Атлантика ҳартиясини муҳокама қилиш асосий ўринни эгаллайди деган фикрни билдирган эди. Лекин Яқин Шарқдаги воқеалар бошқа проблемаларни биринчи ўринга чиқариб қўйди. Кнодо Цусин агентлигининг хабар беришича, Япония ҳукуматининг вакили музокаралар чоғида бутун капиталистик дунёни қамраб олган энергетика танқислиги ва умуман Яқин Шарққа боғлиқ масалалар муҳокама қилинади деб айтди.

Япония ташқи ишлар министри Охира бугун Г. Киссинжер билан учрашиш олдидан мухбирларнинг саволларига жавоб бериб, Яқин Шарқдаги аҳвол АҚШ давлат секретари билан олиб бориладиган музокаларда асосий мавзу бўлади, деб айтди.

Битим имзоланди

ҚОҲИРА, 15 ноябрь. (ТАСС). Миср Араб Республикаси ва Исроил вакиллари БМТ кузатувчилар иштирокида кеча битим имзоладилар. Шу битимга мувофиқ, исроилликлар бугун эрталаб Қоҳира—Сувайш йўлидаги ўз постларини олиб ташлайдилар ва шундан сўнг ҳар икки томон дарҳол ҳарбий асирларни айирбошлашга киришади. БМТ фавқулодда кучлари қўмондонлигининг Яқин Шарқдаги вакили шу ҳақда хабар берди.

Битим бугун маҳаллий вақт билан эрталаб соат 8 да кучга киради.

ПЕКИННИНГ ХИЁНАТКОРЛИГИ

ДЕҲЛИ, 15 ноябрь. (ТАСС). «Патриот» газетаси «Хитой Чили революциясига хиёнат қилди» сарлавҳали мақолани босиб чиқарди. Бу мақолада айтиладики, «Хитой раҳбарларининг Латин Америкасидаги революцион ҳаракатга нисбатан тутган позицияси шу дамгача шубҳа тўғдириб келган бўлса, энди ашаддий антисоветизм руҳидаги актив душманчилик позициясида эканлиги батамом фош этилди. Яқинда бўлиб ўтган ажабтовур воқеа — Чилидаги фашистлар режими Пекин томонидан тўла-тўкис эътироф қилинганлиги қозирги маочиларнинг янгича империалистик позициялари ҳақиқий характерини очиқ-равшан исботлади».

Пекин антифашист курашчиларни, биринчи галда Чили коммунистларини ўлдираётган ва қўлга қонга бўялган жаллодларнинг позициясини мустаҳкамлашга уринмоқда. Хитой раҳбарлари «Л. Корвалан судсиз ва терговсиз қамалиб ётганлиги хусусида жинояткорларча сукут» сақламоқдалар, деб таъкидлайди газета. Пекиннинг хиёнаткорона позицияси халқларнинг нўз ўнгида унинг ўзини шармандаи-шармисор қилди.

Келгуси йил ҳосили учун

Ўзбекистондаги пахта заводлари беш йилликнинг тўртинчи йили ҳосили учун уруғлик тайёрлашга киришдилар. Республиканинг кўпчилик областларидаги корхоналарда пахтанинг серҳосил навлари уруғининг дастлабки туркуми тайёрлаб қўйилди. Андижонликлар бу масъулиятли ишга биринчи бўлиб киришдилар. Ленинскдаги пахта заводининг бир ўзи 4 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли уруғлик тайёрлади. Областдаги пахта заводлари эса 1974 йилда экиш учун жами қарийб йигирма беш минг тонна уруғлик тайёрлаб беришлари лозим.

Ҳозир уруғни дорилаш учун тайёргарлик ишлари тугай деб қолди. Бу иш декабрда бошланади. Москва заводида уруғни дорилайдиган ярим автомат машина синаб кўрилди. Найман тайёрлов пункти дорилайдиган типовой цехга эга бўлади. Қўрғонтепа заводининг «Савай» тайёрлов пунктида эса дорилайдиган автоматлаштирилган комплекс барпо этилмоқда.

Республика пахта заводларининг ходимлари кўкламги экиш кампаниясига қадар 275 минг тоннага яқин уруғлик чигит тайёрлаб беришни режалаштирмоқдалар. Бу миқдордаги уруғлик 1 миллион 600 минг гектардан кўпроқ ерга экиш учун кифоя қилади. Уруғлик чигитнинг бир қисми қўшни пахтакор республикаларга жўнатилади, шунингдек эҳтиёт фонди учун қолдирилади.



Туямўйин гидроузелининг бунёдкорлари шонли Октябрь байрами арафасида катта ютуққа эришдилар. Улар 4 миллион 200 минг куб метр ҳажмда тупроқ ва тош қатламларини қазиб чиқариш ишларини поёнига етказиб, иншоот пойдеворига бетон ётқизиш ишларини бошлаб юбордилар. Суратда: дастлабки куб метр бетон қоришмалари ётқизилаётган пайт.

К. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ЁЗУВЧИ ВА БЕШ ЙИЛЛИК

ДЎСТЛИК ҲАЙКАЛИ

Биз «Каршистрой» бошқармасининг бошлиғи кабинетидамиз. Каттакон столга ёзилган Қарши чўлини ўзлаштириш картасига тикилганмиз. Бошқарма бошлиғи Ҳабиб Мажидович Шоғазотов кертадаги белгиларни бир-бир кўрсатиб, изоҳ беради. Картада ҳар тарафга энлик-энсиз, тўғри-эгри чизиқлар дарахт илдизларидай томир отиб кетган: баъзилари сув йўлларини билдирса, баъзилари карвон йўллари, транспорт изларининг аломати. Айрим нуқталар шаҳар ва посёлкаларга ишора бўлса, бир хил чизиқлар муҳим корхона ва саноат ўчоқларини билдиради. Бу белгиларнинг ҳаммаси Қашқадарё области заминининг ярмичасига ёйилиб, Қаршининг ғарби-жанубини қоплаб ётган миллиондан ортиқ гектар дашт бағрида. Ҳабиб Мажидовичга ана шу нуқта, белгилар ўрнида нималар пайдо бўлишигина эмас, ўша нарсаларнинг қандай қиёфа касб этиши ҳам маълум. Ҳабиб Мажидович кўпни кўрган ишчан раҳбар, ўткир ташкилотчи, ўз қобилияти ва зеҳни, талабчанлиги ва ғамхўрлиги билан кўп мингли қурувчилар орасида муносиб обрў-эътибор орттиролгач бошлиқ. Кўп йилдан буён шу соҳада ишлаб, қайси объектда нималар бўлаётгани, бутун қурилиш томирининг қандай ураётгани, кимларнинг нималар билан машғул бўлаётгани унга беш бармоқдай таниш бўлиб кетган. У, эндигина танасига жон кириб-қон югураётган саҳронинг эртасини— келажак азим водий манзарасини кенг тасаввурли архитекторлардай кўз ўнгига аниқ келтира олади. Картада бизни ажаблантирган нарсалардан бири — дашт кўксига сочилган неча ўнлаб рақамлар эди.

— Бу рақамлар, — деди Ҳабиб Мажидович, — яқин келажакда юзага келадиган совхозларнинг тартиб рақамлари. Айтиш мумкинки, бу совхозлардан айримлари ҳозироқ юзага келиб қолди. Қарши чўлига ҳужум бутун жабҳа бўйлаб қизитилганди. Қарши магистраль канали қурилиши ва чўлни ўзлаштириб совхозлар тузиш баб-баравар олиб борилди. Шу йил ёзда магистраль канал, унинг чап тармоғи — Ульянов канали ишга туширилди. Магистраль каналнинг олти ерида қурилаётган бениҳоя эўр қувватли насос станциялардан тўрттаси битказилди. Ҳар қайси станция Аму сувини йигирма-йигирма икки метрдан баландликка кўтариб берди. Ҳозирда дарё суви тўқсон метр баландга чиқиб бориб, Ульянов райони хўжаликларини сувга мириқтирди, шу йилнинг ўзидаёқ область хирмонига неча ўн минг тонна қўшимча «оқ олтин» тўкди. Бу фактлар айтишга осон, жуда оддий кўринади, аммо уларнинг маъноси жуда чуқур, миқёси бениҳоя кенг: булар сув учун кураш тарихимизда янги бир саҳифа очилганини, оламшумул ғалаба қўлга киргганини кўрсатади.

Ҳа, шўх ва асов Амуни инсонга тиз чўктириш, киши қадами етмаган қовжироқ дашт-биёбонларни гуллатиш, ҳаётни янада гўзаллаштириш — ота-боболарнинг асрий орзу-армони эди. Шундай улуғ орзу рўёбга чиққан экан, бу совет халқлари ғоя-ирода-қасининг нишонаси, фан-техника инқилобининг самараси, қаҳрамонона яратувчилик меҳнатининг янги тантанаси бўлди.

— Қарши чўлининг ҳикояси узун, айтган билан адо бўлмайди. Яхшиси бориб кўринглар, — деди ўртоқ Шоғазотов.

Бизни чўлга «Каршистрой» бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ Сойиб Усмонов бошлаб кетди. Чўл бағрини қоқ кесиб Аму томон неча ўнлаб километрга чўзилган алифдай адил, кафтдай текис, кенг бетон йўлдан кетаётирмиз. Икки тарафга ёйилган белоён ёввойи чўлнинг у ер-бу ерида бульдозерлар, экскаваторлар кўзга чалиниб қолади. Уларнинг ариқлар ковлаб, пасти-баланд тепаликларни ағдартўнтар қилиб ишлашидан кўтарилган чанг-тўзон чўл осмонига пага-пага булутдай кўтарилади. Баъзи ерларда эса қурувчиларнинг бинолар тиклашаётганини, кўтарма кранларда устки қаватларга бетон, ғиштлар чиқаришаётганини, томлари шифер билан ёпилаётган бинолар орасига тезоблик билан асфальт йўллар солинаётгани, пармаловчи механизмларда қудуқлар қазилаётгани, сим ёғочлар ўрнатилаётганини кўрасиз. Сиртдан қараганда, бу ишларнинг ҳаммаси бир маромда, осойишталигина бажарилаётгандай туюлади. Бироқ ана шу осойишталик замирида катта куч, қўрқмас толмас шижоат қайноқ интилиш сезилиб туради.

Сойиб Усмонович бизга, ҳали бошқармадаги картада кўрилган рақамларни эслатди: бу қурилиш майдони ўша рақамлардан бирининг ўзи бўлиб, келгуси йил ишга тушадиган янги совхознинг марказий посёлкаси бўларкан. Шундай совхозлар йилига бир нечтадан қурила боради. Келгусида Қарши чўли тўла ўзлаштирилгач, унда совхозлар сони юзга қадар етади, қанча районлар майдонга келиб, мамлакат хазинасига миллион тоннадан зиёд Қарши «оқ олтинини» қўшадиган энг йирик пахта маконига айланади.

Биз, магистраль канал бўйлаб бориб, чўлнинг манзарасини буткул ўзгартириб юборган, ерни ларзага солувчи машиналарнинг шовқин-суронига тўлган азим бир иншоат марказига етдик. У ерда жамики нарса кўзга нотаниш, бир қарашда англаб етиш қийин, машина-ускуналар, уларнинг ўрнашган жойлари, ҳажмлари, вазифалари фавқулодда йирик, миқёси чексиз, баҳайбат ва сирли, жумбоқли. Бу ғайри оддий нарсаларни кимлар ўйлаб чиқарган-у, кимлар бошқаради?

— Бу ерда бешинчи насос станцияси қуриляпти. Мана, шу ишларнинг катта мутасаддиси ўрток Лазурин Василий Трофимович, — деб Сойиб Усмонович бизни ўрта ёшли, камтаргина бир киши билан таништирди. Василий Трофимович «Гидрострой» трестининг бошқарувчиси — бизни ҳайратга солиб турган муаззам иншоатнинг раҳбари экан. «Иши шунча вазмалигу, ўзи оддийгина экан» деган фикр кечди дилимиздан. Узимизни қизиқтирган катта жумбоқнинг каеридан гап очишни билмай турувдик. Сойиб Усмонович магистраль канал қурилишида кўрсатган катта хизматлари учун ўртоқ Лазуринга яқинда Олий Совет Президиуми «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берганини билдирди.

Биз, Василий Трофимовични фахрий унвон билан табриклар эканмиз, у камсуқумлик билан:

— Мен бу унвон учун яна кўп қарздорман, — деб қўйди. У бизга сирли туюлган азим иншоатни жўнгина қилиб таърифлай кетди.

— Кўриб турганингиз Қарши магистраль каналининг бешинчи насос станциясидир. Биз ҳозирда Амудан юз ўн километрча масофадамиз. Олтинчи насос станциямиз ҳам қурилиб бўлса, магистрал канал 132 километрга етиб боради. Шунда Аму сувини 132 метрга кўтарган бўламиз. Нега рақамлар бир-бирига ўхшаш, дерсиз? Ҳа бу, шоир гили билан айтганда, олтин тасодиф.

Василий Трофимович: бешинчи насос агрегатларини олдингилардай барвакт битказиб, шу йил охиригача ишга туширишни ҳаракатидамиз, озгина иш қолди, дейди. «Озгина иш» ҳам ўн беш минг тонна бетон ётқизиш экан. Бу ерда ҳамма нарса — сарф этилган материаллар, пул маблағлари ҳажми ўн минглаб, юз минглаб, миллионлаб ўлчанаркан. Қурувчилар салқин кунлар бошланиши билан суръатни янада илдамлатишди, кунларни тунларга улаб юборишди. Қурилиш йилларида коллектив оғир синовлардан ўтиб, кўп куч йигди, жазирама саратон оловига, изғиринли қишнинг ачиқ аёзига бардош бериб чиниқди, бой малака ҳосил этди, ўз олдига қўйилган ҳар қанақа вазифани бардамлик ва бирдамлик билан уддалаб келяпти. Кенг майдонни неча ўн метр ер остидан бошлаб бетонлаб чиқаётган, нозик ва мураккаб механизмларни бошқариб агрегатларни монтаж қилаётган, диаметри 3,5 метрдан ошиқ бўлиб, ичидан автомобиль ўтиб кета оладиган эўр пўлат қувурларга миниб электр пайвандилашларини бажараётган йигитларнинг ўзаро ҳаракатларига разм солинг: катта бир оркестр аъзоларидай ҳамжиҳатлик, ҳамдастлик, бирбирларига монандлик сезилади. Бу улкан бунёдкорлар оркестрига дирижёрлик қилаётган ким дерсиз? Биз, Василий Трофимович бу савол ўзига тааллуқли эмасдай. — Урганиб кетишди.

— Узингизчи?

— Ўзим? — У ажабланиб елкасини учирди. — Олдиндан биладирдим. Ўзим танлаган касб.

Анвар, ўқиш вақтларидаёқ ўзининг яқин келажаги шунақа бир иш билан боғланишини билган, назарий билимини айрим канал қурилишларида синаб кўрган эди. Аммо у илгари кўрган-билган қурилишлар ҳозиргисининг олдида урвоғ ҳам бўлмасди. Институтни битириб қайтгач, уни эски ўқитувчи бўлган отаси синаш учун: «Ўғлим, энди қаерда ишлайсан?» деган эди, Анвар: «Чўлда» деди. Отаси, ўз ўғлининг ушоққина бўлгани билан, пишиқпухталигини билар, истаган ерга боришига рози эди. Шу билан бирга, чўл шароитига унча-мунча одам чидаш беролмаслигини ҳам англади. Ўғлини яна бир огоҳлантирди: «Чўлни шунчаки ҳавас қилаётган бўлсанг, пухта ўйлаб кўр». Анвар буни ўйлаб кўрганку, лекин бу қийин қурилишнинг энг муҳим бир қисмига жавобгар киши бўламан, деб ўйламаган эди. Ақл ёшда эмас-бошда, деганлари рост. Анварни оддий инженерлик вазифасида кўп турмасиданоқ, бош инженерликка кўтаришди. Еш кадр қоқилиб қолмасин деб дастлаб суяб, қўмаклашиб туришди. Анвар эса ўз зеҳни, қобилияти, сидқидилдан киришиши туфайли тезда ишни эгаллаб олди, ўз атрофидаги одамларга меҳр-эътиқод, ишонч унинг кучига-кучи қўшди, унга қанот бағишлади. У ишонган ва суянган йигитлар ўз хизматини ҳеч писанда қилмайдиган беминнат, мард ҳам валломат йигитлар эди. Улар камтарин, содда бўлсалар-да, унча-канги жўн, анойи, сояси юпқа йигитлармас, қийинчиликдан чўчимайдиган, техникани моҳирона эгаллаган, ишнинг кўзини билувчи, даврнинг илғор ва абжир йигитлари. Улар ўжар табиат билан юзма-юз олишгани келганларини билардилар. Дашт табияти ўлгудай ёввойи. У осонликча бўй бермайди. Сал бўш келсанг даф қилиб сени ямламай ютаман, дейди. Уни катта куч ва ирода бадалига, дадил ва шиддатли ҳамла билан ёқасидан тутиб қадам-бақадам енгишинг, қайсарликларини қайтариб ўзингга бўйсундира боришинг керак. Мардлар шундай қилишяпти ҳам.

Анвар Шукуров ана шундай мард йигитлар билан ишлаётгани учун фахрланади, уларнинг номларини ҳурсандлик билан тилга олади. Ана улар: Қўзиев Сўюн, Тоштурдиев Байрам, Саидов Борис, Соколов Юрий, Сафаров Аҳрор, Юсупов Муҳаммади, Саиаев Бахтиёр ва бошқалар. Гигант қурилишнинг залворли юкини ўз елкаларида кўтариб келаётган буларга ўхшаш юзлаб баҳодирлар сафида Анварнинг яна тўртта ака-укаси ҳам бор. Меҳнаткаш оиланинг азиз фарзандлари ўз ота-оналарининг тилак-умидини, эл-юрт шаънини ҳалол, фидойи меҳнат билан оқлашмоқда.

Сойиб Усмонович, магистраль канал ёқалаб юриб бизни баландликдаги инсон қўли билан яратилган зўр метин қояга бошлаб чиқди. Бу ер — ёзда ишга тушган тўртинчи насос станцияси. Узоқ-узоқ пастликлардан тортилиб келган йўғон қувурларнинг оғизлари бениҳоя кенг ва чуқур бетон ҳовузга тўғриланган, типтиниқ, лиммо-лим ҳовуздан шариллаб чап ёндаги каналга сув кетмоқда. Ҳозир куз бўлгани учун фақат қувурларнинг биттаси ишлаяпти — секундига қирқ куб метр сув тортиб чиқаряпти, Шуни тортиб чиқараётган битта агрегатни юргизишга ўн икки минг киловатт электр қувват сарф бўляпти. Шунча қувват билан кичикроқ бир шаҳар тунини чароғон қилса бўлади. Битта қувурдан чиқаётган сувнинг ўзи эса Қашқадарё каби бир дарёнинг сувига тенг келади. Вақти келиб ҳамма олти қувурдан бараварига сув тортиб чиқарилса-чи... эҳе, Қарши чўлининг қулфи-дили очилиб, неча юз минг гектарлаб ер сувга сероб бўлганини ва бу ерлар пахтачиликнинг энг йирик конига айланганини кўраверасиз!

Сўнг бизни Таллимаржонга таклиф этишди. Таллимаржон — чўлда барпо этилган қурувчилар шаҳарчаларидан бири. Шаҳарча бўлгандаям жуда кетворган, кўчаларию, биноларию, майдон ва хиёбонларигача замонавий, кўркам ва сўлим. Янги шаҳарчанинг аҳолиси ҳозирдаёқ ўн мингга етиб қолди. Шаҳарчанинг ёшини дарахтларидан ҳам билса бўлади: ям-яшил ёш чинорлар, арчалар бўй чўзиб, текис йўлкаларга соя ташлайдиган, мажнун толлар ширин сўҳбат қурувчи ошиқ-маъшуқларни бегона кўздан сақлай оладиган бўлиб қолишган. Айниқса шаҳарчанинг Санъат саройи кишини қойил қолдирадиган даражада кўримли, данғиллама бўлиб, областда ягона деса бўлади.

Биз борган пайт шаҳарга оқшом оғушида сеҳрли бир тус ола бошлаган, Саройдан гурр-гурр чиқишаётган томошабинлар ҳозиргина кўрилган итальянча фильмни қизғин муҳокама этишиб, хиёбонларга, ўйларига тарқалишмоқда эди. Биз саройга кириб, олти юз кишилик шинам томоша залини, рақс тушадиган, бадиий ҳаваскорлар машқ қиладиган залларни кўриб юриб, «Бахт уйи»га ўтдик.Бунда ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказиш учун барча қулайликлар бор.

— Бу ерда тўйлар тез-тез бўлиб турибди, — дейди дўстимиз Сойиб Усмонович, — баъзан ўзимиз ҳам қатнашиб, ёшларнинг ўйин-кулгусига кўшилиб кетамиз. Бу янги шаҳарнинг тўйлари ҳам тамомила янгича, ўзига хос. Унда хилма-хил миллат ёшлари қатнашади, сўзлар, музика, кўшиқлар ҳам хилма-хил тилда, ранг-баранг оҳангда янграйди. Сиз ўзингизни гўёки бир интернационал кечада қатнашаётгандай ҳис қиласиз. Тўғри, бизнинг бутун чўл ҳаётимизда шу руҳ сингиб кетган. Қурилишларнинг қайси бир участкасини олманг, унда дўст миллатлар бир оила фарзандларидай иноқликда қўлни-қўлга беришиб, бир-бирларига ўргатишиб, бир-бирларидан ўрганишиб ишлашаётганини кўрасиз. Бу системада қирқдан ортиқ миллат вакиллари борки, шулардан рус фарзандлари Михаил Карманов, Алексей Дробний, Юрий Хмелевскийлар, эстон Казимир Маргуман, тожик Усмон Абдиев, украин Адольф Валюшко, туркман Кулсоат Абдуллаев, доғистонлик Керем Исаев сингари ўнлаб, юзлаб азаматлар қурилишларимизнинг фахри бўлиб қолишди. Чиндан ҳам бу улкан халқ қурилишини бутун мамлакатимиз рўёбга чиқаряпти. Иттифоқимиздаги йирик шаҳарлар ва саноат марказлари ичида Қарши чўли қурилишига турли асбоб-ускуна билан улуш қўшмагани йўқ. Ҳали кўрганингиз энг ноёб ва дунёда тенги йўқ насос агрегатларини эса республикамиз буюртмаси билан тайёрлаб берганлар — Урал машинасозлари бўлди. Ураллик дўстларимиз ўз маҳсулотларининг синовдан ўтишини зориқиб кутишди. Бу ерда тажрибадан аъло ўтганини билиб, бизлар билан баравар севинч-қувонч кечиришди.

Қарши чўлидаги қурилиш — совет халқлари биродарлиги ва иттифоқи кучининг эўр намойиши, халқлар дўстлигига қўйилган буюк ҳайкал бўлди.

Ҳаким НАЗИР,
Азиз АБДУРАЗЗОҚ,
Раззоқ АБДУРАШИДОВ.

ШАХТЁРЛАР ЎЗ СЎЗЛАРИ УСТИДАН ЧИҚИШДИ

«Средазуголь» комбинатининг кшчилари беш йиллиннинг учинчи йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари 218 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. Узбекистон кўмир корхоналарининг коллективлари ҳам ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Улар истеъмолчиларга программадан ташқари 142 минг тонна кўмир жўнатдилар.

Комбинат йил охиригача топшириққа қўшимча суратда 300 минг тонна кўмир етказиб беради.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН БОЗОРИГА

ОЛМАЛИҚ. Олмалиқ маиший химия заводи чет элга дастлабки маҳсулот жўнатди. «Чистоль» порошоги билан «Лада» суюқ совуни Польша Халқ Республикасига юборилди.

Ўз вақтида кўпгина социалистик мамлакатлар ёш корхона қурилишига замонавий техника юбориб турганди, ҳозирги вақтда йигирма хилдан ошиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олган завод мамлакат ичкарисидаги харидорларга маҳсулотини манзур қила билди, энди бўлса жаҳон бозорига ҳам чиқди, йил охиригача польшалик харидорлар Олмалиқдан 600 минг ўрам «Чистоль» билан «Лада» оладилар.

ДАШТДА ЎРМОН

БУХОРО. Бу ерда кузги саксовул ва изень ўтказиш ишлари бошланди. Бухоро областида ўрмон массивлари ва иҳотазорлари 26 минг гектар кўпайтирилади. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан икки баравар ортиқдир. Когон ўрмон — мелиорация станциясининг ходимлари муқобил план-топшириқни ундан икки баравар ошириб адо этиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Бу станция ходимлари Аму-Бухоро машина канали иккинчи навбати трассаси бўйидаги қумларни мустаҳкамлаш иши билан шуғулланмоқда. Бошқа ўрмон хўжаликларининг меҳнатчилари ҳам ўз зиммаларига юксак мажбурият олдилар.

ПЕШҚАДАМЛАР

«Ташпромстрой» трестининг 63-қурилиш-монтаж участкаси бунёдкорлари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Бригадаларо социалистик мусобақада И. Одарченко бошлиқ қурувчилар пешқадамлик қилишяпти. Бинокорлар 1-Қўйлиқ массивидаги янги савдо маркази биносини янги йилга қадар фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Участканинг Х. Шарипов, Р. Сояров, Ф. Сотников, Г. Агеева сингари бўёқчи, суводчи ва бетончилардан иборат кўплаб илғор бунёдкорлари айни кунларда пардоз ишларида барчага намуна бўлишаётир.

Ф. ИСАЕВ,
И. РУСТАМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

«Алифбе», «Ўқиш китоби», «Билим ва меҳнат», «Катталар алифбеси», «Чиройли ёзув», «Алифбе методикаси»!.. Бу каби дарслик ва методик қўлланмалар бошланғич таълим устаси, республикамиз педагогларининг отахони бўлмиш Оқилхон ака Шарофиддинов қаламига мансуб. 1931 йилда ёзилган «Алифбе»нинг ўттиз нknown марта, жами ўн етти миллион нусхада нашр этилиши кенса педагог самарали меҳнати, юксак маҳоратининг маҳсулидир. Қарилик гаштини сураётган таниқли педагог ушбу мақоласида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XII пленумининг халқ маорифи тўғрисидаги қарорларини руҳланиб, шу муҳим масалага доир ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этган.

Келажак — ёшларники, деб бежиз айтишмайди. Шу боисдан ҳам жонажон партия ва ҳукуматимиз ёш авлоднинг камолоти ҳақида доимо оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XII пленумининг «КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида халқ маорифини янада такомиллаштириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида қабул қилган қарорини кўрсатиб ўтиш кифоя.

Умумий ўрта таълимга ўтишнинг муваффақиятини таъминлашда муҳим роль ўйновчи бу қарорни ўқиб чиқиб, халқ маорифимизнинг порлоқ истиқболини яна бир марта кўз олдимга келтирдим. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг социалистик тузумда халқ ўқитувчисига, ўнинг обрў-эътиборини оширишга, самарали ва баракали меҳнатидан ниҳоятда тўғри фойдаланишга нисбатан катта ғамхўрлик қилиняпти. Эл-юрт ўзининг келажаги ва орзу-умиди бўлган ёш авлодни тарбиялаш, ўқитиш ишини муаллим қўлига ишониб топширган экан, бу ишончни оқлаш ўқитувчиларимизнинг шарафли бурчи ҳисобланади. В .И. Ленин таъбири билан айтганда, ўқитувчилар армияси шундай бир аппаратки, у фикр уйғотиши, ишни силжитиши, партия ғояларини аҳолининг ҳамма табақаларига сингдириши лозим. Ўқитувчининг юксак ва олижаноб вазифаси — ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдан, халқ оммасининг энг кенг табақалари орасида катта ижтимоий-сиёсий иш олиб боришдан иборат.

Ҳаёт ҳар бир касб-ҳунар эгасидан ўз ихтисоси соҳасида тинмай изланиш, ижодий меҳнат билан банд бўлишни тақозо этади. Кундалик турмуш талабини тўғри тушунган ва унга амал қилган ўқитувчигина ўзига ишониб топширилган ёш авлодни тарбиялашдек катта ва масъулиятли вазифани кўнгилдагидек бажара олади. Бу масала пленум қарорида ҳам ўзининг тўла ифодасини топган.

Кўпинча мендан педагоглик маҳорати ва санъати тўғрисида гапириб беришни илтимос қилишади. Айтиш мумкинки, педагоглик маҳоратини тинмай ошира бориш зарурияти ҳаёт талабидан келиб чиқади. Ҳаётда олға интилишнинг бирор меъёри ёки чегарасини ҳеч ким аниқ белгилаб беролмайди. Бу ҳар бир касб эгасининг ижодий меҳнати, ташаббус ва ғайрати, ишга бўлган меҳр-муҳаббати, садоқат ва эътиқодига боғлиқ.

Гуркираб ўсаётган ҳаётда бугун кўринган янгилик эртага янада янгироқ нарсалар билан алмашиниб, бойиб бораверади. Айниқса, бизнинг жўшқин ва ҳур ҳаётимиз, тобора ривож топаётган жамиятимиздаги мислсиз янгиликлар, коммунизм пойдевори қурилишидаги ажойиб ютуқлар, партия ва ҳукуматимизнинг янгидан-янги зафарларга чақириқлари ҳар бир совет кишисини кечагига қараганда бугун, бугунгига нисбатан эртага янада унумлироқ ишлаш, ижодий меҳнат қилишга чорлайди. Бинобарин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми ўқитувчиларимиздан, халқ маорифининг барча ходимларидан қолаверса, бутун жамоатчиликдан катта масъулият талаб этади. Шу билан биргаликда педагогларимиздан ўз маҳоратларини тинмай ошириб бориш талабини қилади.

Педагогик маҳоратга ижодий меҳнат, бетиним ўқиш, ўрганиш ва изланиш, малакани ошириб бориш туфайлигина эришиш мумкин. Атоқли совет педагогларидан бири Н. К. Крупская айтганидек, ўқитувчи ўз олдида турган жуда улуғ вазифани сўзида эмас, балки амалда ҳал эта олиши учун у, аввало, ўз устида чидам билан ишлаши, билимларни ленининсига эгаллаб олишни ўрганиши, Ленин васият қилганидек, ишлашни ўрганиб олиши лозим.

Пленум қарорлари хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларимни юритар эканман, босиб ўтган педагоглик йўлимга яна бир назар ташлайман. Октябрь инқилобининг дастлабки йилларида тахталар тагига ғишт қўйиб, янгича «парта»лар бунёд этганимиз, патнусни доска, кесакни бўр ўрнида ишлатганимиз сира-сира ёдимдан чиқмайди. Янги мактабга келиб, мўлтираб қараб турган собиқ ўқувчиларимга биринчи дарсда шундай деганим ҳам эсимда:

— Сизлар бугундан эътиборан Шўро ҳукумати мактабида ўқийсизлар. Йўлбошчимиз Ленин сизларга янги мактаб биноси бунёд этади, янги парталар, билим хазинаси бўлган китоблар, яхши дафтарлардан беради. Келажакда сизлар катта мактабларда, дорилфунунларда ўқиб, улуғ одам бўлиб етишасизлар! Ўша орзуларимиз юз фоиз амалда!

Бошланғич таълим умумий таълимнинг пойдевори эканлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XII пленуми қарорида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мен педагоглик фаолиятимнинг илк даврларидан бошлаб бошлангич синфларда (51 йил) дарс бердим. Чунки ўрта мактабда болаларнинг яхши ўқиши, билимининг пухта ва чуқур бўлиши бошланғич таълимнинг сифатига боғлиқ. Ўзингиз етти ёшга тўлган болаларнинг кўлига қалам бериб, ўқишга, фикр юритишга ўргатишни бир тасаввур қилиб кўринг-а! Нақадар қийин, машаққатли ва масъулиятли иш эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Кўп йиллар биринчи синфда тўлиқ ўзлаштириш ва икки йилликсиз ишлаганлигимнинг «сири» йўқ. Бу иш ўз касбини чинакамига севган ва ёш авлодга ҳақиқий мураббий бўлиш масъулиятини чуқур ҳис этган ҳар бир ўқитувчининг қўлидан келади. Аммо шуни унутмаслик керакки, ўқувчиларнинг тўлиқ ва юқори баҳолар билан ўзлаштиришларига эришиш, албатта, осонликча бўлмайди. Бу вазифа ўқитувчидан чуқур билим, катта маҳорат, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўлиш, чидам ва сабр-тоқат билан таълим-тарбиявий ишларни изчил олиб боришни талаб қилади. Муаллим ҳар бир ўқувчининг мустақил ишлашига, ўтилган мавзуларни пухта ўзлаштиришига катта эътибор бериши, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиши, қобилият ва уй шароитларини синчиклаб ўрганиб бориши керакки, бу нарса тажрибада кўп марта синовдан ўтган. Бу каби тадбирлар йигит-қизларнинг яхши ўқиб, илм чўққилари сари дадил интилишларига, она-Ватанимизнинг садоқатли кишилари бўлиб етишишларига пухта замин ҳозирлаши, шубҳасиз. Шундай қилинганида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XII пленуми қарорларини ҳаётга тўла жорий этган бўламиз.

Агар ўқитувчи ҳамиша халқ ҳурматига сазовор бўлишни, ўқувчилари хотирасида зўр эҳтиром билан яшашни истаса, пленум қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ўзининг илмий, ғоявий-сиёсий савияси ва педагогик маҳоратини тинмай ошира бориши, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлари билан ўқувчиларига шахсан ибрат бўла олиши керак.

Мен ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ съездида иштирок этган эдим. Ўшанда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг анжуман минбаридан туриб айтган қўйидаги сўзлари ҳамон кечагидек ёдимда: «Совет мактаби шунчаки ўқимишли кишилар тайёрлаб бериш билан чекланмайди, у ўз ўқувчиларининг сиёсий жиҳатдан саводли бўлиб, коммунизм иши йўлида жонбозлик билан қурашадиган ғоявий эътиқодли кишилар бўлиб етишишлари учун жавобгардир». Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу сермазмун ва фикрларга бой кўрсатмаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XII пленуми қарорларида ўз ифодасини топган. Бу муҳим қарорни иш чиллик билан бажариш халқ маорифчилари билан бир қаторда бутун жамоатчиликнинг жонажон ишидир.

Оқилхон ШАРОФИДДИНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган ўқитувчи.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

НУРОТА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхознинг раҳбарлари пилла-чиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳақида қайғурмаётирлар. Улар янги тутзорлар ташкил этиш ўнда турсин, мавжудларининг қаровсизликдан йўқ бўлиб кетишига йўл қўймоқдалар. Совхознинг 1- бўлимидаги беш гектар майдондаги тут дарахтлари парвариш қилинмаяпти.

Редакцияга ёзилган ва текшириш ҳамда чора кўриш учун юборилган ана шу мазмундаги хат совхоз партия комитетида муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Тутзорни қаровсиз ташлаб қўйганликлари учун бўлим бошқарувчиси Ашуров ва совхоз бош агрономи Каримовларга выговор берилди. Улардан мавжуд камчиликларга тезда барҳам бериш, тут дарахтларини парвариш қилиш ва суғоришни ташкил этиш, тутзорнинг атрофини ўраш талаб этилди.

Бу масала райком бюросида ҳам қараб чиқилди. Совхоз дирекцияси ва партия комитетига тутчиликка эътиборни кучайтириш, бу соҳадаги камчиликларни тугатиш топширилди. Совхоз партия комитети Ашуров ва Каримовларга берган партиявий жазо тўғри деб топилди.

ТАЛАНТЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Яқинда Кишинев шаҳрида М. И. Глинка номидаги VI ёшлар конкурси бўлиб ўтди. Конкурсда Ўзбекистондан жюри аъзоси сифатида СССР халқ артисткаси, хушовоз хонанда Саодат Қобулова ҳам қатнашди. Қуйида Саодат Қобулова шу конкурсдан олган ўз таассуротларини газетхонларимизга ҳикоя қилиб берадилар.

Гўзал Молдавиянинг пойтахти Кишинев шаҳрида истеъдодли ёш хонандаларнинг М. И. Глинка номидаги анъанавий Бутуниттифоқ конкурси бўлиб ўтди. Ҳар икки йилда ўтказилиб туриладиган мазкур конкурсга 1960 йили асос солинган эди. Бу тадбирни ўтказишдан мақсад истеъдодли, овозли ёш хонандалар сафини янада кенгайтириш, уларнинг талантини баҳолаш, янги номларни халққа, томошабинларга таништиришдан иборатдир. Маълумки, бундан олдин конкурс Москвада, Киевда, Таллинда, Вильнюсда ўтказилган эди. Бу сафар санъаткорлар Кишиневга йиғилишди. Ёш хонандаларнинг VI конкурсига мамлакатимизнинг кўп шаҳарларидан 156 нафар ижрочи ташриф буюрди. Бундан 13 йил муқаддам ўтказилган биринчи конкурсда ҳаммаси бўлиб 84 хонанда куч синашган бўлса, йилдан-йилга уларнинг сафи кенгайиб бораётганлиги кузатилади кишини. Ижрочиларнинг маҳоратини синчковлик ва холис кузатиб ўтирган жюри ҳайъати 18 хонандани лауреатликка тавсия этди, 3 киши конкурс дипломини олди. Кўриниб турибдики, конкурс жуда талабчанлик руҳида ўтказилди.

Мазкур конкурснинг аҳамияти жуда катта. Ҳозир ўз овози, юксак ижрочилик маҳорати билан фақат Иттифоқимизда эмас, балки жаҳонининг кўп мамлакатлари халқларига таниш бўлиб қолган хонандалар Елена Образцова, Владимир Атлантов, Медея Амиранашвилилар ҳам ўз вақтида шу конкурс ғолиблари бўлишган. Шундан сўнг кенг жамоатчилик ўртасида шуҳрат топишган.

Кишинев конкурсида бизнинг республикамиздан ҳам истеъдодли ёшлар қатнашишди. Гарчи бизнинг ёшларимиз лауреатлик унвонига эга бўлмасалар ҳам, конкурснинг I ва II турларидан муваффақиятли ўтишиб, кўпчиликнинг диққатини жалб этишди. А. Навоий номидаги опера ва балет Катта театримизнинг ёш хонандалари Махсет Хўжаниёзов, Нозим Муҳсиновлар алоҳида маҳорат ва эҳтирос билан айтиладиган М. И. Глинка романсларини ўз ўрнига қўйиб, мароми билан куйладилар. Ҳар икки хонандамиз ҳақида илиқ гаплар айтишимизга асос бор. Улар театримизнинг келажаги, санъатимизнинг ишонган намоёндалари. Ҳар иккиси ҳам Тошкент Давлат консерваториясининг вокал факультетини муваффақиятли тугатишган, республикамизда ўтказилган қатор кўрик-конкурсларда қатнашиб, яхши баҳолар олишган. М. И. Глинка номидаги конкурсда қатнашиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу икки хонандамиз шундай катта синовда ўзларини кўрсата олишди, десам янглишмайман. Чунки, саҳнага чиқиб куйлаган Махсет Хўжаниёзов ҳам, Нозим Муҳсинов ҳам хушовозини, куйлаш жозибаси ва эҳтиросини намоён қила олдилар. Жюри ҳайъатининг раиси, СССР халқ артисткаси И. К. Архипова, аъзолари профессор А. И. Батурин, П. Г. Лисициан, М. Л. Биешу, Т. Т. Сазандарянлар ўзбекистонлик бу икки хонанда талантига яхши баҳо беришди. Келгуси йили ўтказиладиган П. И. Чайковский номидаги конкурсда ҳам қатнашиш учун уларни таклиф этишди. Шунингдек, жюри аъзолари Тошкент Давлат консерваторияси номига ҳам анчагина илиқ гаплар айтишди.

Шундай қилиб, Ўзбекистондан Кишинев конкурсида қатнашган Махсет Хўжаниёзов билан Нозим Муҳсиновлар Молдавия маданият министрлигининг фахрий ёрлиқларини олишди, уларга пианинода жўр бўлган концертмейстер Карлин Аҳмеджонов эса диплом билан тақдирланди.

Молдавиядан яхши таассуротлар билан қайтдик. Бундай кўрик-конкурслар ҳақиқатан ҳам зарур экан. Мана шундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилса, янги овозлар, янги номлар топилади, халқимизга маъқул ва манзур бўладиган санъаткорлар сафи кенгаяверади, театрларимиз ёш, талантли кучлар билан мустаҳкамланаверади. Демак, бу умумсанъатимиз ривожига шубҳасиз, катта ҳисса қўшади.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

Тошкентнинг чиройи дақиқа сайин жамол кўрсатиб бормоқда. Янги бинолар қад кўтаряпти. Кўчалар равон ва кўркам бўлмоқда. Шаҳар бағрида янги уй-жой массивлари барпо этилмоқда. Уй-жой ва маданий-маиший объектлар кўпайиб боряпти.

Кейинги вақтларда кўп қаватли уй-жой ва маъмурий бинолар қад ростладики, улар шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда. Юқоридаги суратда: В. И. Ленин проспектида тиклинган кўп қаватли уй-жой биноси. Бу иморат шаҳримизнинг катта кўчасига алоҳида чирой бахш этмоқда.

Пастдаги суратда республикамиз пойтахтидаги Академиклар шаҳарчаси деб номланувчи манзилгоҳда қурилган яна бир баланд иморатни кўриб турибсиз. Бу — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг янги биноси.

И. Глауберзон фотолари.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ВА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ЖАМИЯТИ

БАРЧА ГРАЖДАНЛАРГА, ТАШКИЛОТЛАРГА, ИДОРАЛАРГА

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ 1973 ЙИЛДАН БОШЛАБ КЎЧАТЛАРНИ ФАҚАТ ЎЗ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУНГИНА ЕТИШТИРИБ, УЛАРНИ БОШҚА ХЎЖАЛИКЛАРГА ВА АЙРИМ ШАХСЛАРГА СОТИШ ҲУҚУҚИДАН

ФОЙДАЛАНМАЙДИЛАР

Колхозлар, совхозлар зарур бўлиб қолган тақдирда кўчатларни ШРЕДЕР номидаги институтнинг кўчат етиштирувчи совхозларидан талабномалар асосида олишлари лозим.

Шахсий кишилар кўчатларни фақат ўз эҳтиёжлари учунгина етиштириб, уни реализация қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар.

«УЗГОСКАРАНТИН»
ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ЖАМИЯТИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Телеспектакль. 13.20 — Шахмат мактаби. 14.45 — Планета ёшлари. 15.30 — Телефильм. 16.20 — Ўқув кўрсатуви. 16.45 — Фан—қишлоқ хўжалигига. 18.30— ТОШКЕНТ. 18.35 — «Истиқбол эгалари». 10.05—Ахборот. 19.00— Ҳамза номли республика Давлат мукофоти лауреатлари. 20.05 — Ёзувчи ва беш йиллик. 20.35 — Ахборот. 20.55 — «Ўзбекистон чорвадори». 21.25 Концерт. 22.00— «Вақт». 22.30 — Дипломат (телеспектакль). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув кўрсатувлари. 17.15 — МОСКВА. 17.20 — Янгиликлар. 17.30— Мультфильмлар. 18.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.30 — Хайкалтарош Н. А. Андреев. 19.00 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 19.30 — **Волга, Волга** (бадиий фильм). 21.20.—Концерт. 22.00 — Жанговар постда (Тошкент) 22.30—Балли, қизлар! УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм, 19.30 — Классик музика саҳифаларида. 20.10 — «Ягона оилада» 20.30 — Бадиий фильм.

КИНО

Қум карьери генераллари — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Талантлар ва мухлислар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Оддий кийимдаги киши — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Булутлар ортида осмон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ, ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Музланган — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Беҳуда шов-шув — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Телбалар ҳафтаси — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), Г. ГУЛОМ номли (тоқ соатларда).

Привалов миллионлари — «МОСКВА» (17.30).

Озодлик нақадар нашъали сўз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/XI да **Гулсара**, 17/XI да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/XI да **Мирзо Улуғбек**, 17/XI да **Табассум ўғрилари.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/XI да **Севишганлар хиёбони**, 17/XI да **Тоғ гўзали.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16, 17/XI да **Ташвишланманг онажон.**

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: паст ўсимликлар, илмий коммунизм (малака ошириш институтига);

кафедра доцентлари: жисмоний тарбия ва спорт, СССР тарихи, фалсафа, ўзбек адабиёти, паст ўсимликлар, ўсимликлар физиологияси, гидробиологик ва ихтиология, колхоз ва ер ҳуқуқи, ўқув процессини илмий ташкил қилиш, чет эл адабиёти;

кафедра катта ўқитувчилари: СССР тарихи, фалсафа, рус адабиёти, чет эл адабиёти, сиёсий иқтисод, қуруқлик гидрологияси, колхоз ва ер ҳуқуқи;

кафедра ўқитувчилари ва СССР тарихи, рус тили, давлат ва ҳуқуқ назарияси, чет тиллари, меҳнат ҳуқуқи ва гражданлик процесси, гербарий бўйича;

катта илмий ходимлар: табиий бирикмалар химияси проблемалари лабораторияси, чўкма формациялар ва чўкма конлар;

кичик илмий ходимлар: табиий бирикмалар химияси проблемалари лабораторияси, чўкма формациялар ва чўкма конлар.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Студентлар шаҳарчаси, Бош корпуси, Д-107-хона, кадрлар бўлими.

Узбекистон ССР савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ

1974 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ — баққоллик-қандалотлик, гастрономия, гўшт-балиқ маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, газмол, тайёр кийим, пойафзал, трикотажгалантерея, атир-упа, уй-рўзғор товарларини сотиш учун юқори малакали сотувчилар, сотувчи консультантлар, контролёр-кассирлар тайёрлайди.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ВА 2 ЙИЛ.

Ўқиш 2 январдан бошланади.

Билим юртига (10 синф) ва тўлиқсиз ўрта (8-9 синф) маълумотли, 20 ёшгача бўлган (шунингдек Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган 23 ёшгача бўлганлар) имтиҳонсиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «кичик сотувчи» «сотувчи», «сотувчи консультант», «контролёр-кассир» деган малака унвони берилади.

Билим юрти ўқувчиларига 26 сўм стипендия берилади, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқувчилар ўқиш муддатининг иккинчи йилида ўздари мустақил магазинларда «кичик сотувчи» бўлиб ишлайдилар. Бу вақда улар Тошкент шаҳрининг энг яхши магазинларидан бирида машғулотларни ўтадилар ва иш ҳаки оладилар.

Билим юртида ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси), туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси), турар жойидан справка, соғлиги ҳақида 286 формадаги справка, шаҳар савдо бўлимининг йўлланмаси, 3х4 см. катталигида учта фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-66, «Оқтепа» массиви, Самарқанд дарвоза кўчаси, 60-уй, Тошкент ҳунар-савдо билим юрти.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

18 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 4 ДА 1974 йилда СССР биринчилигини учун «А» классида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун

«НЕФТЯНИК» (Фарғона) — «СТРОИТЕЛЬ» (Самарқанд) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Билетлар сотилмоқда.

АХБОРОТ

НАМАНГАН

ҚАҲРАМОНЛАР НОМИДАГИ МУКОФОТЛАР

Поп район партия комитети ва ижроия комитетининг қўшма қарорига кўра Ленин орденли Ленин номли колхознинг собиқ аъзолари, пахтадан юқори ҳосил етиштириш ҳамда пахтачиликни комплекс механизациялаш ташаббускорлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Мамажон ота Тошматов ва Мелиқўзи Умрзоқовлар номидаги мукофотлар таъсис этилди.

Мукофотлар район бўйича пахтадан энг юқори ҳосил олган бригадаларга, ҳаммадан кўп пахта терган механик-ҳайдовчига пахтачиликни комплекс механизациялаштиришда ибрат кўрсатган бригадага берилади.

Қаҳрамонлар номидаги мукофот эгаларига диплом, биринчи ўринни эгаллаганларга енгил автомашиналар, иккинчи ўрин эгаларига кажавали «Урал» мотоцикллари тақдим этилади.

НАВЛАР КОНКУРСИ

Бундан уч йил илгари Наманган уруғ навларини синаш участкаси ходимлари энг тотли беҳи навини танлашга қарор қилдилар. Шу мақсадда беҳининг «Баҳри», «Қизилқўрғон», «Совхозная», «Бухороча», «5-беҳи», «Жонидил» навлари кўчатлари экилиб, парваришланмоқда.

Бу йил кўчатларнинг ҳаммаси етилиб, мева қилди. Ниҳоят, беҳи навини синаш участкаси ходимлари уюштирган конкурс якунланди. Маълум бўлишича, «Баҳри», «Совхозная» ва «Жонидил» навларининг мевалари ширали ва серҳосил деб топилди.

ЧОРТОҚ АТЛАСИ

Атласга бўлган талаб ортмоқда. Буни назарга олган область маҳаллий саноат бошқармаси атлас ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чорасини кўрмоқда. Яқинда Чортоқ посёлкасидаги шойи тўқиш фабрикасида янги цех ишга туширилди. Бу ерда монтаж қилинган дастгоҳлар билан атлас тўқиш бошлаб юборилди.

ҚАРИЯЛАР УЙИ

Областнинг дам олиш зонаси— Косонсойда Қариялар уйи қурилаётир. Бино билан ёнма-ён клуб, кутубхона, чойхона, ошхона барпо қилинади. 200 ўринли Қариялар уйининг қурилиш-монтаж ишларига бир миллион 200 минг сўм ажратиладиган бўлди.

ҚУШНИЛАР ҚУВОНЧИ

Тўрақўрғон районидаги Шаҳанд посёлкаси аҳолиси қизиқ тасодифнинг гувоҳи бўлди. Ёнма-ён яшайдиган уч ўқитувчи — А. Каримов, А. Аҳмедов, Ш. Яхшибоевлар Ёшлар ва студентларнинг жаҳон фестивали муносабати билан чиқарилган пул -буюм лотереяси билетларига «Запорожец» енгил автомашиналари ютдилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ

Зарбдор меҳнат билан ўтган кун тугаб, сокин оқшом бошланди. Киржалий округининг Коммунизм қишлоғи кўчаларини тўлдириб бораётган кишиларнинг суҳбатлари баралла эшитилади. Эркаклар ва аёллар, йигитлар ва қизлар мактабларга, тўгаракларга, семинарларга бораяпти. 300 га яқин коммунист, ўнлаб партиясиз ва комсомоллар партия маорифи шоҳобчаларида таълим олмоқда.

Жамоанинг партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг таъсири кучи унинг составига, ташкилот аъзоларининг шахсий ибратига боғлиқ эканини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам ташкилот составининг сифати ҳамиша партия ташкилотининг диққат марказида туради. Бу масала партия йиғилишларидан бирида муҳокама қилинди. Партия ташкилоти ўз составига баҳо бериш ва ушбу яхшилаш тадбирларини белгилаш мақсадида ҳар ярим йилда йиғилиш ўтказиб туради. Бунинг учун партия комитети беш йилга мўлжаллаб перспектив план тузиб олган. Ҳозир жамоадаги коммунистлар 30 ёшгача бўлган кишиларнинг 43,6 процентини, 40 ёшгача бўлганларнинг 31,2 процентини, 40 ёшдан юқоридагиларнинг эса 25,2 процентини ташкил этади. Партия ташкилотлари ўз сафларига энг муносиб ёшларни ва хотин-қизларни қабул қилишга айниқса катта эътибор бермоқда. Чунки жамоада хотин-қизлар ишлаб чиқариш билан банд бўлганларнинг 45 процентдан кўпроғини ташкил этади. Сўнгги йиллар ичида партия сафига кўплаб олий маълумотли ёшлар, сиёсий етук хотин-қизлар қабул қилинди. Жамоанинг партия ташкилотида ҳозир 96 та хотин-қиз бор. Бу жамоа коммунистларининг 32,2 проценти демакдир. Айрим партия ташкилотларида масалан, Коммунизм қишлоғида аёллар 62,5 процентни, Габрово қишлоғидаги корхоналарда 43,7 процентни ташкил этади. Агар округ партия ташкилотидаги аёллар коммунистларнинг 24,6 процентини, умумаи мамлакат бўйича эса 25,3 процентини ташкил этишини назарда тутсак, жамоа партия комитети хотин-қизлар ўртасида катта қолий тарбиявий ишлар олиб бораётганини кўрамиз.

Партияга ёшларнинг қабул қилиниши уларни таилаш ва тайёрлашга нисбатан талабчанликни асло сусайтирмайди. Партия бюроси комсомол комитети билан ҳамкорликда ёшларни кўплаб оммавий-сиёсий ишларга жалб этмоқда. Уларга махсус топшириқлар бериляпти. Ёшлар партия сафига қабул қилинганидан кейин ҳам улар билан ишлаш давом эттирилади. Ёш коммунистларнинг доимий мактаби ташкил этилган. Бу ерда улар партия Устави ва партия қурилиши масалалари билан чуқур танишадилар. Назарий ва халқаро темаларда ҳамда партия сиёсати тўғрисида лекциялар тинглайдилар.

Ёш коммунистлар Устав талабларига қандай амал қилаётганликлари мавзуида бўлиб ўтган суҳбатлар айниқса катта қизиқиш тугдирди. Натижада партия Уставини чуқурроқ ўрганишга, ҳар бир ёш коммунистнинг фаолиятни тўғри баҳолашга аҳолида эътибор берила бошланди. Коммунига қишлоғида илмий-назарий конференция бўлиб, унда ёш коммунистларнинг партия X съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этишдаги роли муҳокама қилинди.

Фашистларга қарши курашган қаҳрамонлар қатл этилган жойларга экскурсиялар уюштириш ва бошқа бир қатор тадбирлар ёшларни тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда. Қишлоқ аҳолиси учун мўқаддас ҳисобланган партизан Филю Запряновнинг хотираси учун ўрнатилган ҳайкал олдида ёш коммунистларга партия билетлари топшириш одат бўлиб қолган.

Партия ташкилотлари сифат составини яхшилаш коммунистларнинг билими ва малакасини ошириш билан қўшиб олиб борилади. Жамоанинг партия ташкилоти ўз аъзоларининг билимини оширишга катта эътибор бермоқда. Ҳозирги пайтда партиянинг саккиз аъзоси олий ўқув юртларида ўқимоқда. Улар орасида жамоа партия комитетининг секретари Мўмин Нешадов ҳам бор. Кечки мактабда ва сиртқи бўлимларда эса 32 коммунист ўз билимини оширяпти.

Партия ташкилотининг жанговарлиги ва авангардлик ролини оширишда коммунистларни ишлаб чиқариш участкаларига тўғри жойлаштириш катта роль ўйнамоқда. Бу йил уларга хўжалигининг 26 процент майдонига тамаки кўчати ўтказиш ва парвариш қилиш вазифаси топширилган эди. Ҳозир плани 152 процентга етказиб бажариш кутилмоқда. Хабиш Рамаданова, Зайнаб Шукриевалар план топшириқларини уч баробар ошириб бажардилар. Черная Нива қишлоғи комплекс бригадасининг Назифа Акифова бошлиқ звеноси айниқса юқори кўрсаткичларга эришди

— Ҳозир бизнинг бутун диққат-эътиборимиз жамоа партия ташкилотининг сифат составини янада яхшилашга қаратилган, — деди биз билан суҳбатда партком секретарининг ўринбосари Сабри Мустафов. — Комитет жамоанинг Жанда, Средско, Небеска, Яворово, Русалско сингари қишлоқларидаги бошланғич партия ташкилотларига мунтазам равишда ёрдам бермоқда. Қишлоқ партия ташкилотлари бюролари олдига комсомол ишини яхшилаш масаласи қўйилган. Чунки, партия ташкилотларига ёш кадрларни комсомол сафидан олмоқдалар. Ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам анчагина. Хотин-қизлар эски урф-одатлардан воз кечиб, замонавий кийинмоқдалар. Габрово ва Коммунига қишлоқларида хотин-қизларнинг кинода ёки тантаналарда эркаклар билан ёнма-ён ўтирганини кўриш одат бўлиб қолди. Ленин ҳамма жойда ҳам шундай деб бўлмайди. Масалан, Жанда қишлоғида аёллар орасида анчагина тарбиявий ишлар олиб боришга тўғри келади. Жамоа партия ташкилоти ана шу проблемаларни ҳисобга олиб, келажакни ўйлаб, коммунистларнинг сифат составини яхшилаш борасида каттагина ишлар қиляпти.

Иванка ЛЕФТЕРОВА.
Болгар журналисти.

Спорт. Спорт. Спорт.

Қўшимча ўйин

Узбекистон чемпиони номини олган Самарқандниг. «Строитель» командаси «А» классига ўтиш учрашувларини ўтказди. Самарқандликлар Фарғонада «Нефтяник» футболчилари билан ўйинда 1:0 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Чемпионлар ўз майдонида фарғоналиклари 2:1 ҳисобида енгишди. Шундай қилиб, умумий ҳисоб 2:2 бўлиб қолди. Энди ораси очиқ қилувчи қўшимча учрашув ўтказилади. Бу ўйин 18 ноябрда «Пахтакор» стадионида бўлади.

Совет командаси сафарда

Футбол мавсуми ниҳоясига етди. Чемпионат ташвишларидан ҳалос бўлган футболчилар энди терма командага тўпланишди. Совет терма командаси Латин Америкаси мамлакатлари бўйлаб сафарга йўл олди. Совет командаси Мексика, Эквадор, Сальвадор, Колумбия ва Коста-Рикада ўртоқлик учрашувлари ўтказадилар. Командамиз составида араратчилар А. Абрамян, А. Саркисян, О. Заназанян, Л. Иштоян, А. Андриасян, москвалик динамочилар В. Комаров, В. Пильгуй, А. Петрушин, О. Долматов, Г. Еврюжихин, спартакчилар В. Букиевский, С. Ольшанский, А. Пискарев, Е. Ловчев, «Шахтёр»дан А. Коньков, В. Зелгинцев, пойтахт армиячилари В. Капличний, В. Федотов, «Қайрат»дан В. Байшаков, киевлик динамочи В Матвиенко, А. Зниченко («Зенит»), В. Онишченко, («Заря»), А. Шепель («Черноморец)лар бор.

Динамочилар ғалабаси

Минсклик динамочилар ўз сафларини Бангладеш Халқ республикасида ўтказишди. Бу ерда тўрт учрашув бўлди. Ўртоқлик ўйинларининг барида футболчиларимиз муваффақият қозонишди. Республика терма командаси билан ўтказилган охирги учрашувда ҳам динамочилар фойдасига 3:0 ҳисоби қайд қилинди. Тўпларни Климович билан Васильевлар киритишди.

Яна бир финалчи

Австралия терма командасининг футболчилари Осиё зонасида ўтказилган учинчи саралаш учрашувида Жанубий Корея командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 1974 йили жаҳон биринчилигининг финалига чиқдилар. Шу командаларнинг олдинги икки учрашуви 0:0 ва 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан тугаган эди.

(ТАСС мухбири).

БУЮРТМА ЗИЛЗИЛА

Тожикистон ССР Фанлар академиясига қарашли зилзилага бардош беруувчи қурилиш ва сейсмология институтининг инженерлик синов полигони ноёб полигонлардан биридир.

Яқинда сейсмологлар тажриба шаҳарчасини тўрт балли зилзила билан синаб кўришди. Навбатдаги сунъий зилзила биноларнинг турли конструкцияларига ер ости силкинишидан тушадиган юк тўғрисида янги-янги маълумотлар олишга имкон берди.

Институтнинг тавсиялари асосида Сирдарёдаги «Халқлар дўстлиги» ГЭСи тўғонининг, Вахш дарёсида қурилаётган Норак ГЭСи тўғонининг, республикадаги саноат корхоналарининг кўпгина цехларининг зилзилага бардош бериши таъминланди.

О. СОБОЛЕВ,
ТАСС мухбири.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б. — 269. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 03830.